



ТЕЛЕВИЗИОН ЛОЙИХАЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА АМАЛГА ОШИРИШ СПЕЦИФИКАСИ. РЕЖИССЁР, МУҲАРРИР ВА ОПЕРАТОР ЎРТАСИДАГИ ИЖОДИЙ ҲАМФИКРЛИК...

Ҳамидова Ситора Шухратовна

Ўзбекистон Журналистика ва оммавий коммуникациялар
университети “Телевидение ва радиоэшиттиришлар”

йўналиши 2 курс магистранти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6592160>

ARTICLE INFO

Received: 10th May 2022

Accepted: 14th May 2022

Online: 28th May 2022

KEY WORDS

индустрия,
аудитория,
телестудия,
персонофикация,
драматургия

ABSTRACT

Телевизион медиа маҳсулотлар кейинги йилларда мазмун, сифат, шакл нуқтаи назаридан тубдан ўзгарди. Соҳага замонавий ахборот технологияларнинг кириб келиши, режиссурада техник имкониятларнинг ортиши телевидениенинг таъсир кучини янада оширди. Мақолада телевизион лойиҳаларни ташкил этиш спецификаси таҳлил қилинган ва телевидение кўрсатувларининг ижодий гуруҳлар вазифаси ҳақида батафсил ёритилган.

Телевидениенинг асосий устунлиги унинг табиатида намоён бўлади. Бу ҳаракатланадиган «картиналар»нинг мавжудлиги ва видео тасвирнинг иштироки. Айнан, мана шу ажойиб хусусият телевидениега ҳеч нарса билан тенглаштириб бўлмайдиган эмоционал куч тақдим этади. Тасвирли ва овозли эшиттириш образларини умумлаштириб, воқеа ҳамда ҳодисаларни динамикада, ривожланишда ва ҳаракатда кўрсатиб бера олганлиги учун, телевидение барча замонавий оммавий ахборот воситалари ичида энг таъсирчани ҳисобланади.

Агар радио ва айниқса, матбуот нашрлари турли исботловчи манбааларга эътиборни қаратишга интилса, телевидение алоҳида восита –

“намоишкорона кўрсатув” ёрдамида таъсир кўрсатади. Шу боис телевидение, томошабинда ўзини телеэкранда кечаётган воқеа ва ҳодисанинг гувоҳи, иштирокчиси сифатида англашига имконият яратади.

Телевидение қаршисидаги аудиторияда соғлом фикр учун бир мунча ғаройиб бўлган ишонч рефлекс тарзида намоён бўлади: “Мен кўрдим - демак, бу ҳақиқат!” Украиналик пиаршунос Г.Г.Почепцов таъкидлаганидек: “Инсонлар газетадагидан кўра телевидение орқали анча кўп нарсаларни кўришлари мумкин. Унинг маълумотларига кўра, телеэкранда бериладиган 69% ахборотлар сўз билан таърифланмайди. Бунда, аудиториянинг ярми сўралганда эслаб қолишдаги фарқ



кузатилади. Янгиликларнинг овозли таърифланганини 16% кишилар, фақат тасвир билан таърифланган янгиликларни 34% кишилар эслаб қолишади. Овозли таърифланган янгиликларни қайта ҳикоя қилишда сўралган кишилардан 32%, фақат тасвир билан таърифланган янгиликларни қайта ҳикоя қилишда атиги 15% кишилар хатога йўл қўйишган.”

“Телевидение спецификаси телемахсулотни ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш жараёнлари билан боғлиқлигини кўрсатади. Вақтнинг реаллиги, тилнинг шартлилиги ва материалнинг хужжатлилиги ўзига хос йўллар (ракурс, композиция, ўйин, вербал, мусиқа компонентлари, кадр ва бошқа) билан экран версиялари мазмунини ташкил этиб, телевидениенинг образли тилини намоён этади.

Телевизион лойиҳаларни юзага келиши технологик вазифалар билан бирга мутахассисларнинг шахсий хатти-ҳаракатларини тақозо этади ва ўз навбатида улардан ишлаб чиқариш-ижодий фаолиятнинг назарияси ва амалиётини профессионал эгаллашни талаб қилади. Экран асари табиатига кўра синтетик ва инсон меҳнати нуқтаи назаридан жамоавий бўлиб, бир гуруҳ кишилар кучи (драматурглар, режиссёрлар, рассомлар, композиторлар, телеоператорлар, овоз режиссёрлари, видео ва электрон технологиялар бўйича мутахассислар ва бошқа) билан яратилади”.

Саҳналаштирувчи режиссёр материални атрофлича ўрганиб, асосий ва иккинчи чизиқларни, фикрий ва ҳиссий урғуларни киритади, персонажлар, муҳитни

идентификациялайди, шартли макон ва шартли замонни ўзлаштиришга ёрдам беради. Мизансаҳналар воқеалар динамикасини бошқаради, кадр композицион тузилишини, ғоянинг ривожланишини мусиқа, сценографик, пластик ечимлари уйғунлиги таъминлайди.

“Драматургия ва йирик план асосида амалга ошириладиган бадий ва информацион-таҳлилий публицистика, хужжатли публицистика жанрларида материални нисбатан фойдали ракурсларда бериш, тасвир ва сўз бирлигига эришиш вазифаси режиссёр зиммасида бўлади. Публицистиканинг асосий мақсади-томошабиннинг диққатини жалб этиш, муаммолар устида ўйлантиришга, фикр юритишга, бунёдкорлик ҳисобига ижтимоий фикрни шакллантиришга ундашдир.

Репортажлар методологияси ишни тайёрлаш босқичини (функциялар тақсимоти, жойни аниқлаш, композиция, аппаратуранинг жойлаштириш), тасвирга олиш жараёни, монтаж, материални ишлаш ва эфирга узатишни назарда тутаяди. Воқеа репортажида мажбурийят фактларни умумлаштириб, таҳлил қила оладиган, истеъмолчи билан тушунарли тилда гаплаша оладиган, актёрлик белгиларга эга бошловчи-журналист зиммасига юкланади.”

Муаммоли репортажда муаммоли материалнинг, таклиф қилинганларнинг муайян сони, шахсий баҳоларнинг турли эканлиги, қарама-қаршилилик, умумлаштириш назарда тутилади. Маълумки материални беришдаги режиссёрлик ёндашувлари янгиликлар, таҳлилий ва бадий публицистика нуқтаи назаридан



жанрлар дифференциациясига мос келмоғи зарур. Монтаж (параллел, кадр ичи, кадрлараро, кесишувчан) - ахборотни экранга узатиш йўллари ва технологиялари тили; коммуникацияни амалга ошириш учун режиссёр, оператор томонидан фойдаланиладиган воситадир.

Теледастурларнинг образли-фикрий тўйинганлигига эришиш мақсадида телевидение амалиётида тилнинг концептуаллашуви жиҳатидан тасвир динамикаси ва трансформациясини таъминлайдиган шакллар қўлланилади. Рассом асарнинг умумий сценографик композициясини қуради, унинг пластик, ритмик, оҳанг тасвирлари орқали деталларни ишлаб чиқади, «кам харж» йўли билан зарур фикр, туйғуни ифодаловчи шартли йўллар, деталларни истифода этади.

Муסיқа телевизион асарнинг ажралмас қисми сифатида драматургик вазифалар билан суғорилган қарашларга мувофиқ тарзда персонажларнинг сўз, хатти-ҳаракат ва ҳиссиётнинг уйғунликдаги бирлигига интилади. Муסיқа партитураси режиссёрлик концепцияси билан узвий боғлиқликка қурилади. Ҳам муסיқа, ҳам бадий безак, ҳам техник атрибутика саҳналаштирувчи ижрочи гуруҳ томонидан амалга ошириладиган асар ғояси очилишига, ТВ воситаларида бадий ахборот тўлақонли етказилишига хизмат қилади.

Публицистикада драматургик ўзак мавжудлиги қайд этиладики, усиз ахборий-таҳлилий оқимдаги ишончлилик, куч заифлашади. Драматургик, таҳлилий истеъдодларга эга журналистга, лойиҳа муаллифига долзарб мавзунини топиш, кўп миллионли аудиторияни муҳокамага жалб қилган

ҳолда саволларни қўйиш ва уларга жавобни излаш кўникмалари зарур бўлади. Бунга диалог ва полилогни профессионал даражада ташкил этадиган О.Сафоевнинг иш услуби («O'zbekiston» ва «O'zbekiston-24») мисол бўла олади.

“O'zbekiston” телеканалида ҳар куни саломатлик, кундалик турмушни ёритувчи «Ойдин ҳаёт» дам олиш дастури ўз аудиториясига эга бўлди. Ҳар жума куни эфирда анъанавий муסיқа жаранглайди. Бунда мавзу ҳамда сценарийнавислар Г.Абдурахмонова, Н.Зокирова, режиссёрлар Г.Давланова, У.Машраббоев, операторлар А.Сулаймонов, Г.Сулаймонов, Н.Ғуломов, овоз режиссёрлари Б.Низомхонов, Ё.Халилов кучлари билан амалга ошадиган материални етказиш йўллари жалб этади. Ўткир мавзулар ва мунозараларга бой «Муносабат» токшоуси ўз долзарблигини йўқотгани йўқ (олиб борувчилар Қ.Аъзам, Н.Орипов, режиссёрлар У.Машраббоев, Ф.Мирзамухамедов, операторлар Д.Абдусаломов, А.Сулаймонов, овоз режиссёрлари О.Абдуллаева, И.Болтабоев). Умумхалқ аҳамиятига оммавий тадбирлар билан («Мустақиллик», «Наврўз») бошқа дастурлардан таниш бўлган режиссёрлар Р.Шамсиддинов, Б.Юлдашев, А.Мадрахимов; операторлар Д.Содиқов, Н.Абдуллаев, М.Рахматов, С.Косимов, С.Орипов; овоз режиссёрлари И.Болтабоев, З.Абдуллаев, И. Комилов шуғулланишмоқда.

Томошабинлар иштирокида студия ва студиядан ташқарида тасвирга олиш жараёнларидан фойдаланаётган “Первый шаг” лойиҳаси («Oilaviy» телеканали) сценарий муаллифи



И.Турдиева, режиссёрлар С.Стопневич, О.Ғуломов, операторлар Т.Турсунходжаев, Д.Ғаниев, А.Саъдуллаев, овоз режиссёри Г.Асқарова каби ижодий гуруҳ аъзолари туфайли муносиб муваффақиятга эришиб келмоқда. Унинг вазифалари қаторидан болалар аудиториясини ўз устида ишлаш, шахс сифатида шаклланиш жараёнларига жалб этиш, уларда ўз куч ва имкониятларига ишончни, катталарга ҳурмат билан муносабатда бўлишни, маданиятга муҳаббатни ҳамда масъулият туйғусини тарбиялашдир.”

Ҳар бир телевизион лойиҳа, ҳажми катта-кичикми, ундан қатъий назар, эфиргача ниҳоятда мураккаб йўлни босиб ўтади. Аввал сценарий тайёрланади. Бироқ сценарий тайёр бўлмасдан олдин у режага киритилади. Негаки ҳар бир таҳририятнинг ўз плани, режаси бўлади. Кўрсатув учун даставвал зарур техник воситалар ҳисобга олинади: студия, съёмка репетиция камера, свет, декорация ва ҳокозолар.

Демак кўрсатувга таёргарлик сценарий ёки сценарий режасидан бошланади. Табиийки сценарист бирор мавзунини қаламга олар экан, албатта аввал бўлажак кўрсатув учун қандай воситалардан фойдаланиш имкониятларини ҳисобга олиб иш кўради. Баъзан ҳикоя ёзиш осонми, сценарий ёзиш осонми, деган савол туғилади? Бизнингча ижод қилиш осон эмас, катта ижодий меҳнат талаб қилади. Унинг учун эса билим савяси, истеъдод жуда муҳим. Телевизион лойиҳа устида ишлаш, телевидение сиру-асрорларини, техник имкониятларини яхши билишни тақазо

этади. Телевизион лойиҳа адабий нуқтаий назаридан барча талабларга жавоб бериш мумкин, лекин телевидение учун ярамадлиги ҳам эҳтимол. Бундай пайтда унинг телевизион вариантини қайта ишлаш талаб қилинади.

Телевизион лойиҳанинг сценарийсини ёзиш пайтида энг мураккаб жиҳатлари шундан иборатки, томошабин экранда нималарни кўраолиш, ҳар бир образ қандай бўлиш мумкинлиги тассавурида аниқ пишитиб олиб, кейин сўз орқали ифода қилинади. Шунинг учун ҳам сценарийда бир вақтнинг ўзида тасвир ва тасвирни изоҳлаб берувчи бошловчи сўзи берилади. Телевидение сценарийнинг ўзига хос томони шундан иборат. У ташқи кўринишдан бу қандай бўлади: ҳар бир саҳифада матн сўз устида ёки икки қаторда берилади. Ўнг томондан эса бошловчи матни бўлиб, томошабин уни кўрсатув давомида эшитиб боради. Демак ўз-ўзидан маълумки, сўл томондан тасвир баён этилади. Тасвир изоҳи учун бошловчи матни ўнг томондан бўлади. Бироқ барча сценарийларни айнан шу шаклда ёзиш шарт эмас.

Адабий сценарий ёзишнинг бошқа эркин шакл-шамоиллари ҳам мавжуд. Унда тасвир бошловчи матнига нисбатан бирмунча йирик ҳарфлар билан ажратиб ёзилади. Бу гуё тасвир моҳиятини таъкидлаб кўрсатгандек бўлади. Бироқ у бошловчи матни мазмунини заррача камайтириш дегани эмас. Телевиденида сўз мазмун моҳиятига ҳам катта эътибор берилади.

Экранда айтилган сўзнинг таъсири ўзгача бўлиб, томошабин ёки тингловчи қалбини жумбушга



келтиради. Ҳар бир сўз ўрнини топиб, турли хил маънода товланиб жаранглайди ва янада салобатлироқ маъно касб этади.

Шуни унутмаслик лозимки, бошловчи сўзи экранда кўринаётган нарсаларни шунчаки қайтариш эмас, тасвирни изоҳлаш, томошабин кўраётган ва эшитаётган нарсалар хусусида янада чуқурроқ фикр пайдо қилиш учун хизмат қилади.

Шу нарса яхши аёнки, юқорида таъкидлаганимиздек, экран орқали эшитилган сўз мазмун моҳияти ўта таъсирли ва салмоқли бўлади. Шунингдек. Бадиий дастурлардаги сўзлар ҳам бундан мустасно эмас, албатта. Бу ҳолатни бадиий сценарийни ўқиганида ҳам тўла акс этиш мумкин. Барча эътибор диолог қатнашувчиларга қаратилади. Сценарий таёргарлик кўрсатув муҳаррири зиммасида бўлади. Дастурга ҳам у қиради. Муаллиф топиб, буюртма беради.

“Сценарийнинг биринчи варианты тайёр бўлгач, иккаласи бирга ўқийди ва ўз фикр мулоҳазасини билдиради. Гоҳида фикрнинг мулоҳаза асосида тузатиш енгилкечади, лекин ҳамма вақт ҳам бир ҳолда бўлмайди. Баъзан муаллиф сценарий четида кўпроқ ишлаб, иккинчи вариантини тақдим этади. Агар сценарий ортиқча эътирозга сабаб бўлмаса бевосита кўрсатувни таёрлашга киришади. Бироқ сиёмкагача вақт бор. Ҳали режиссёр амалга ошириш керак бўлган ишлар кўп. У кўрсатув яхши ва таъсирчан бўлиш учун тинимсиз меҳнат қилади ҳамда бадиий жиҳатларини ишлаб чиқади. Агар муҳаррир асосан сценарийнинг бадиий қиймати устун бўлиши устида иш олиб

борса режиссёр биринчи навбатда тасвир жилоси хусусида кўпроқ қағуради. Унинг бутун салоҳияти ва ижодий маҳорати ҳам айна шу ерда кўринади.”

Бироқ муҳаррир билан режиссёр ўртасидаги ўзаро бундай иш тақсимланиши шартли, албатта. Биз яхши биламизки, адабий жиҳатдан сценарий пишиқ пухта бўлмас экан экан, бу аниқ, ҳар қандай тажрибали режиссёр ҳам кўрсатувни томошабин учун сўз-сиз ёқадиган, тўлақонли қилиб ишлаш хусусида гап бўлиши мумкин эмас.

“Режиссёр ўз билим ва маҳоратини ишга солиб ўзи чун (режиссёр сценарийси) сценарий таёрлайди ва шу асосида кўрсатув устида иш олиб боради. Кўрсатув ўз мураккаблиги, жанр ва давомийлиги ҳисобга олиниб, турли хил шаклда бўлади. Сухбат интервью, репортажни таёрлаш бошқа-ю телевизион спектакл, ёки мусиқий дастурни таёрлаш бошқа. Улар ўртасида катта фарқ бор. Бундай пайтда режиссёр олдида талай муаммолар пайдо бўлади. Биринчидан барча ролларга актёр топиш, уларни сценарий билан таништириш ва репетицияни бошлаб юбориш лозим. Шу вазифанинг ўзиёқ қанча вақт ва куч талаб қилади.”

Масаланинг мараккаб томони шундаки, телевидение ўз актёрлар гуруҳига эга эмас. Уларни театрдан излаб топиш керак. Театрларнинг эса ўз репертуарлари, постановка репитетциялари бор. Режиссёр буларни яхши тушунади ва шу боисдан актёр ишини театрдаги юмушларга заррача ҳалқт бермайдиган тарзда режалаштиради. Бунинг учун етарли даражада билим савия, ташкилотчилик



қобилият ва маҳорат керак бўлади. Мана репетиция авжида.

Режиссёр эса қатнашувчилар учун керак бўладиган кийим бош декорациялар, реквизит ва спектаклларга мос муסיқа танлаш устида тинмай бош қотириши зарур. Унинг бевосита раҳнамолигида сахналаштирувчи рассомлар ва декораторлар сахна ва декорация эскизлар хусусида ишлаб борадилар. Либослар бўйича рассомлар ҳам ўз эскизларига тайёргарлик кўрадилар, зарур кийимбош танлашга киришадилар. Муסיқа муҳаррирлари эса спектаклга зарур муסיқа излайдилар. Ташқаридан қараганда, бу ишлар қоғозга тушурилишида жуда жўнга ўхшайди.

Амалдачи, амалда жуда муракаб жараён, масалан дейлик кийим кечак, декорация ҳам тўлалигича тайёр бўлади. Муסיқа ҳам мос келмади, актёрлардан ҳам қайтадан ҳам қайси бири бетоб бўлиб бўлиб қолди. Бу ҳол режиссёр учун ортиқча ташвиш ва қийинчиликлар туғдиради. Бунини ифодалаш қийин, фақат режиссёрнинг ўзигагина маълум. У бир вақтнинг ўзида рассом билан ҳам, композиторлар ва операторлар билан ҳам иқтисодчи хўжалик ходими билан ҳам баббаробар иш олиб боради. Лекин, меҳнатнинг таги роҳат, деб бекорга айтишмайдилар. Ишнинг қанчалик қийин ва мурақаб бўлса, унинг секин ва самараси ҳам ўшанга яраша бўлади. Эҳтимол шу боисдан ҳам телевизион режиссёрлар ўз касбларини жуда қадрласалар ва уни бошқа касбга алмаштирмасалар керак. Кинолентадан ўринли фойдаланиш ҳар доим кўрсатувни жонлантиради. Режиссёр тасмани эфирга беришдан

аввал албатта уни техник назарий бўлим ходимларига кўрсатиб олади. Режиссёр учун бу жуда ҳам жонли кечади: бирор ери тиндаланган, ўчган ёки тиндаланган бўлсая? Бу қандай бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Гоҳида тасвир билан овоз мос келмайди. Гапираётган одамга қараб беихтиёр кулгинг қистайди.: лаби бир томонда, сўзи бошқа тамондан эшитилади. Мантажчи хатога йўл қўйган, режиссёр билан унинг ассисенти ўз вақтида тўғирланмаган.

Энди нима қилиш керак? Бундай пайтларда кино тасмани кесиш, қисқартириш, қайта монтаж қилиш ва зарурат бўлса, ҳатто янгидан суратга олишга ҳам тўғри келади.

Фақат кўп йиллар аввал суратга олинган ва нодир ҳисобланмиш ленталар бундан мустасно. Масалан, катта Фарғона каналини қазиш пайтида ёки Ватан уриши йилларида суратга олинган айрим хужжатли воқеа, ҳодисалар. Уларни асосан кўрсатувга кино хужжат сифатида киритиш мумкин. Бундай ленталар сифатини яхшилашнинг асло иложи йўқ, негаки, кесиб ташлаш, кесиб ташлаш, қайта суратга олиш мумкин эмас. Бунини томошабинлар ҳам, техник назорати ходимлари ҳам тушунадилар.

Шу боисдан эътироз бўлдирилмайди, лента эфирга кетавермайди. Эски кинофилмларга ҳам йўқ очиқ. Уларни ўн йиллар давомида сифатли сақлашнинг мутлақо имконияти йўқ. Бинобарин, томошабин, асосан кекса одамлар эски киноленталарни кўрсатишни илтимос қиладилар. Телевидение эски бундай илтимосларни ҳар вақт инобатга олади.



Энди телевизион журналист касби хусусида алоҳида фикр юритиш мумкин. Негаки, биз юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, тележурналист режиссёр билан бирга асосий ижодий куч ҳисобланади. Унинг вазифа даражаси ранг-баранг ва ниҳоятда кенг, масъулиятлидир. Шу билан бирга бу касб кўп қамровлидир. У ҳам муҳаррир ҳам коментатор, ҳам бошловчи, ҳам шархловчи, ҳам мухбир. Шу сабабдан ҳам унинг зиммасига энг мураккаб вазифалар юклайди, муҳаррир

кўрсатувга таёргарлик кўрилаётганда доим бош-қош бўлади.

Юқоридагилардан келиб чиқадиган хулоса шуки телевизион муҳаррир вазифаси ниҳоятда ўзига хос касбдир. У журналистик маҳоратдан ташқари яхши ташкилотчи бўлиш ҳам лозим. Масалан, газетчи, репортёр учун энг асосий нарса сўз бойлиги бўлса, телевизион муҳаррир учун, қўшимча, киносёмкани ташкил этиш, монтаж сирларини яхши эгаллаши ва барча телевизион технологиядан хабардор бўлиши ҳам зарур.